



Куч — АДОЛАТДА

2013 йил
19 апрель,
жума
№ 16 (425)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.oliyud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ "ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ — ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚИЁФАСИНИ ЎЗГАРТИРИШ ҲАМДА АҲОЛИ ҲАЁТИНИНГ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ ОМИЛИ" МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Хурматли конференция иштирокчилари, хонимлар ва жаноблар!

Сиз, азиз меҳмонларимиз, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон Банки, Осие таракқиёт банки, Ислам таракқиёт банки, АСЕАН, ЮНЕСКО каби нуфузли халқаро ташкилотлар, молия институтлари ҳамда бошқа тузилмалар вакиллари, уй-жой қурилиши соҳасидаги йирик компаниялар раҳбарлари ва етакчи мутахассислари — бугунги конференциянинг барча қатнашчиларини кутлаш, ушбу форумда иштирок этатиётганингиз учун ўзининг чўқур ҳурматини ва самимий миннатдорлигини изҳор этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Уй-жой қурилиши соҳаси ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун улкан аҳамиятга эга экани, қурилиш билан боғлиқ кўплаб тармоқлар ва бутун мамлакат иқтисодиётининг мутаносиб ривожланиши ҳамда барқарор ўсиш суьратларини таъминлайдиган энг муҳим омил эканини ҳисобга оладиган бўлсак, бугунги конференция учун танланган қишлоқда уй-жой қурилишининг роли ҳақидаги мавзунинг долзарблиги тўғрисида гапириб ўтиришнинг ҳолати бўлмаса керак.

Эксперт марказларининг маълумотларига кўра, иқтисодий ривожланган давлатларда инвестициялар таркибидан умумий сармоялар ҳажмининг 20 фоизидан 40 фоизгача бўлган улushi айнан уй-жой қурилиши соҳасига тўғри келаётгани албатта бежиз эмас.

Бугунги кунда уй-жой қурилиши ва иқтисодиётнинг мазкур соҳа билан боғлиқ тармоқларини ривожлантириш молия тизимини шакллантириш ва барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим бўғинларидан бири ҳамда банклар активлари ва ишончли ресурсларнинг мустаҳкам манбаи бўлиб қолмоқда.

Бундан ташқари молиявий-иқтисодий инкирози ҳамон давом этаётган ҳозирги шароитда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Кредит маблағлари билан етарлича таъминланаётганига қарамастан, бу маблағлар яқиний истеъмолчи, яъни иқтисодиётнинг реал секторига етиб бормаётгани глобал молиявий-иқтисодий инкироздан чиқишда жиддий тўсиқлардан бири экани сир эмас. Ҳолбуки, асосий захира валюталарини чиқарадиган эмитент мамлакатларда фоиз ставкалари даражаси ниҳоятда паст. Айрим ҳолларда бу ставкалар ноль қийматига тушиб кетаётганига эса ишончи қийин.

Муҳтасар айтганда, кредит ресурслари ҳажмининг етарлиги кўплаб ҳолатлар, биринчи навбатда, 2008 йилда глобал молиявий-иқтисодий инкирози юзага келтирган жиддий сабабларнинг бартараф этилмагани туфайли, афсуски, иқтисодиётни жонлантирадиган туртки ва омилга айлана олмапти.

Бундай шароитда уй-жой қурилиши ва у билан биргаликда ривожланадиган инфратузилма — коммунал ва ижтимоий сектор, транспорт ва коммуникация тармоқлари, замонавий қурилиш материаллари ҳамда конструкцияларини

ишлаб чиқариш капитал ва инвестицияларни жалб этиш, шунингдек, энг мураккаб ва жиддий ижтимоий масалалардан бири — аҳоли бандлиги муаммосини ҳал этишнинг ғоят мақбул ва самарали соҳаси сифатида хизмат қила оладиган ҳамда хизмат қилиши лозим бўлган йўналишга айланмоқда.

Аксарият давлатларнинг тарихий таърибаси шундан далолат берадики, уй-жой қурилиши ва инфратузилма соҳасини таракқиётнинг устувор йўналиши сифатида белгилаш миллий иқтисодиётни қайта тиклашнинг ҳал қилувчи воситаси бўлиб хизмат қилади. Масалан, Буюк депрессия деб аталган 1930 йиллардаги инкироз даврида АҚШда Президент Рузвельт яқка тартибдаги уй-жой қурилишини кредит билан таъминлаш тизимини жорий қилди ва бу ислохот иқтисодий ўсишни тиклашда ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Уз вақтида Германия, Буюк Британия, Скандинавия давлатлари ва бошқа мамлакатларда иқтисодиётни рағбатлантириш ҳамда қайта тиклаш мақсадида ана шундай дастурлар қабул қилинган.

Хурматли конференция қатнашчилари! Ўзбекистонда амалга оширилаётган модель — қишлоқда уй-жой қурилиши комплекс амалга ошириш дастурининг мазмун-моҳиятини баён этишдан олдин мамлакатимизни иқтисодий, ижтимоий ривожлантириш ва модернизация қилишнинг ана шу энг муҳим соҳасида яқин-яқингача қандай муаммолар тўғрисида қолгани, ҳақиқий аҳвол қандай бўлгани ҳамда қисқача тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Бу соҳанинг бош хусусияти шунда эдики, у деярли бошқарилмас, бошқача айтганда, ўзбошимчилик авж олган эди.

Бу аслида нимани аңглатар эди? Қишлоқда уй-жойлар аҳоли пунктларини барпо этишда қўлланчи зарур бўлган бош режаларсиз қурилар, худудларнинг ўзига хос табиий ва иқлим хусусиятлари, ўзбек оиласининг миллий анъаналарини ҳисобга олиб, пухта ишлаб чиқилган намунавий уй-жой лойиҳалари йўқ эди.

Узи ҳам бюрократчи, ҳам қурувчи бўлган қишлоқ аҳолисининг имкониятлари чеклангани, шунингдек, қурилиш материалларининг доимий танқислиги ҳамда қишлоқда ривожланган қурилиш соҳасида бўлмагани учун бу борадаги ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Бошқача айтганда, уй-жойлар қўлбола қурилиш материаллари — хом гиштдан қурилар, хоналарига ёғочдан пол қилинмас, том ёпиш материаллари сифатида асосан асбест шиферлардан фойдаланилар эди.

Бош режасиз қурилган уй-жойларни коммунал қулайликлар билан таъминлаш, ичимлик суви тармоғига, электр энергияси ва газ тармоғига улаш борасида жиддий муаммолар пайдо бўлар эди.

Янги қурилган уй эгаларининг тиббиёт муассасалари, мактаблар, болалар боғчалари, савдо шохобчалари, бозорлар, ҳовлисига олиб борадиган йўл, яъни оиланинг қулай шароитда яшашини учун зарур бўлган инфратузилма билан

таъминланишда қандай муаммоларга дуч келгани ҳақида гапириб ўтирмасам ҳам бўлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 50 фоизи, яъни 15 миллионга яқин одам қишлоқ жойларида истиқомат қилаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бугунги кунда ушбу соҳада ҳал қилишимиз лозим бўлган мураккаб ва зифаларнинг кўлами ва миқёсини таъсирчан равишда қийин эмас.

Бу борада шунини инобатга олиш керакки, Ўзбекистонда қишлоқ жойларида ҳар йили 150 мингдан ортиқ янги оила вужудга келмоқда, мустақил таракқиётимиз йилларида эса қишлоқларимизда 2 миллион 600 мингдан зиёд ёш оила пайдо бўлди ва улар ўз уйига эга бўлишга эҳтиёж сезмоқда. Шу муносабат билан ҳозирги кунда қишлоқ жойларида яқка тартибда уй-жой қуриш бўйича узоқ йиллар мобайнида шаклланган ёндашувлар, усул ва амалиётни қайта кўриб чиқиш вақти келгани, буни ҳаётнинг ўзи илгари сураётгани янада яққол аён бўлмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган Қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастурининг муҳим хусусиятлари, долзарблиги, унга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг принципиал хусусиятлари нималардан иборат?

Бу борада биринчи навбатда ҳал этиш лозим бўлган принципиал масалалардан бири — уй-жой қурилишининг қонунчилик, ҳуқуқий ва норматив базасини тубдан қайта кўриб чиқиш ҳамда ислох этишдан иборат эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамланган хусусий мулкнинг дахлсизлиги ҳақидаги принципа асосланган ҳолда қабул қилинган Уй-жой ва Шаҳарсозлик кодекслари, Ўзбекистон Республикасининг "Ипотека тўғрисида"ги қонуни, бошқа қонун ва меъёрий ҳужжатларда мулкдорнинг уй-жой ҳамда у барпо этилган ер участкасига мўддатсиз эгалик қилиш ва уни мерос қилиб олиш ҳуқуқи мустақамлаб қўйилган.

Қишлоқ аҳолисига яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бир оилага 6 сотих ҳисобида умрбод мерос қилиб олиш ҳуқуқи билан бепул ажратилаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу эса бизнинг ер ресурсларимиз чекланган шароитда ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

Таъкидланган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, қишлоқ жойларида уй-жой массивларини қуриш ишлари яқка тартибда уй-жой қурувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган ва маъқулланган намунавий лойиҳалар асосида, муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари билан биргаликда барпо этилмоқда. Республика ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан автомобиль йўллари, ички коммуникация тармоқларини қуриш, сув, газ ва энергия таъминотини йўлга қўйиш албатта амалга оширилиши лозим бўлган муҳим шартлардандир.

Янги уй-жой массивларида яшайдиган аҳоли сони инobatга олиниб, мактаблар, болалар боғчалари, қишлоқ врачлик пунктлари, савдо шохобчалари ва спорт иншоотлари ҳам намунавий лойиҳалар асосида барпо этилмоқда.

Қишлоқларда уй-жой комплексларини қуришда муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан бир қаторда янги турдаги сервис ва электрон хизматлар кўрсатиш объектларини барпо этиш ҳамда ишга тушириш ҳам алоҳида эътиборга лойиқ масалалардандир.

Бу билан мен нима демоқчиман?

Бу ўринда янги, замонавий уй-жойлар барпо этиш билан бирга қишлоқдаги уйлар, қишлоқдаги оилаларга энг замонавий компьютерлар, ахборот-коммуникация технологиялари, замонавий телекоммуникация тизими, интернет кириб бораётгани ҳақида сўз бормоқда.

Энг асосийси, қишлоқ аҳолиси учун деярли янги бўлган бундай турдаги хизматлар одамлар эҳтиёжини таъминлаш билан бирга, қишлоқ касб-хунар коллежларида таълим олган ва касб эгалланган минглаб, ўн минглаб йигит-қизларни иш билан банд этиш имконини бермоқда.

Фарзандларимиз, униб-ўсиб келаётган ёш авлод учун бу қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканини ўзингизга бир тасаввур қилинг. Буни сўз билан ифода этиб бўлмайди.

Шу ўринда яқка тартибда уй-жой қурилишига кредит ажратиш механизмига эътибор қаратишни истардим. Қишлоқда яшайдиган одам унинг намунавий лойиҳасини танлаганидан сўнг дастлабки бадал сифатида уй қийматининг 25 фоизи миқдоридидаги ўз маблағини тўлайди. Унга қулай шартлар асосида узоқ мўддатга — 15 йилга имтиёзлиқ фойз ставкаси бўйича — биринчи йил белгиланган фойзни тўламаслик шартини билан — 7 фоиз миқдоридидаги ипотека кредити берилади. Бу Марказий банкнинг йиллик 12 фоиз миқдоридида белгиланган қайта молиялаш ставкасидан анча пастдир.

Қишлоқ жойларида яқка тартибда уй-жой қуриш бўйича комплекс ишларни амалга ошириш учун яхлит институционал тузилма ташкил этилди.

Намунавий уй-жойларни лойиҳалаштириш, ижтимоий ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасига эга бўлган уй-жой массивларини комплекс қуриш режасини ишлаб чиқиш "Қишлоқ қурилиш лойиҳа" иктисослаштирилган лойиҳа-тадқиқот институти зиммасига юкланган. Шу билан бирга, мазкур институт қурилиш ишлари бажарилиши устидан муаллифлик назоратини ҳам амалга оширмоқда.

Намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибдаги уй-жойлар қурилишини кредит асосида молиялаш шун мақсадда ташкил этилган "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик-тижорат банки амалга оширмоқда. Унинг низом жамғармаси бугунги кунда қарийб 130 миллион доллар миқдоридидаги маблағга тенгдир.

(Давоми иккинчи бетда)

Жорий йилнинг 16-17 апрель кунлари мамлакатимизда "Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбирлари хоржлик меҳмонларининг айримлари билан суҳбатлашди.

Сўз — халқаро конференция иштирокчиларига

Жолт ЛУКАЧ,
Қурилиш компаниялари уюшмаси раиси (Словакия):

— Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан етакчи олим, мутахассис ва экспертлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари иштирок этган мазкур халқаро анжуман юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Конференциянинг очилишида Президент Ислам Каримов иштирок этгани ва нутқ сўзлагани халқаро форумнинг нуфузи ҳамда аҳамиятини янада оширди. Давлатингиз раҳбарининг нутқида Ўзбекистонда қишлоқ жойларида аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасида изчил амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар бераётган юксак самаралар, уларнинг аҳамияти теран таҳлил қилинди.

Роберт ВИНЕР,
"California coalition for rural housing" компаниясининг ижрочи директори (АҚШ):

— Бухоро вилоятида барпо этилган уйларнинг юксак сифати менда унутилмас таассурот қолдирди. Ўзбекистоннинг барча вилоятида бўлгани каби бу ерда ҳам қад ростилаган уйлар жуда қиёроили ва яшаш учун қулай экан. Уйларнинг лойиҳаси, пухта ишланган инфратузилмаси, шинам ва ёруғлиги, барча афзалликларга эга экани, жумладан, электр энергияси, иссиқ ва совуқ сув билан таъминлангани менга ҳар жиҳатдан манзур бўлди. Бундай уй-жойлар лойиҳасида оилавий шароит ва миллий турмуш тарзига хос барча жиҳат эътиборга олинган. Ана шундай қурилиш ишлари мамлакатингизнинг барча туманларида кенг кўламли давом этирилиётгани таъкидлаш сазовор. Ўзбекистон қишлоқларида қурилатган уйлар лойиҳасидан бошқа мамлакатлар ҳам намуна сифатида фойдаланса арзийди.

Уйлар атрофида қад ростилаган савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, мактаблар, спорт мажмуалари ҳам эътиборини жалб этди. Буларнинг барчаси қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Конференциянинг юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Жиҳан Абдул Гаффор АЛМЕНОФИЙ хоним,
Миср қишлоқ ҳуқуқий вазирлигининг тадқиқотлар маркази бош тадқиқотчиси:

— Президент Ислам Каримов раҳнамолигида қишлоқ жойларида замонавий уй-жойлар қуриш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар халқаро жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Юксак савияда ташкил этилган, қизиқarli маълумотларга бой бўлган халқаро конференция иштирокчиларнинг барчаси учун фойдали бўлди. Айниқса, Президент Ислам Каримовнинг нутқида баён этилган ғоят теран фикрлар, илгари сурилган ғоялар, келтирилган рақамлар ва маълумотлар менда ғоят катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон ўзининг қадимий ва бой тарихи билан дунёга машҳур. Ўзбек диёрининг жаҳон олим-фани ва маданияти таракқиётига бебаҳо хисса қўшган Имом Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад Фарғоний, Бурхониддин Марғинойий, Маҳмуд аз-Замашарий каби буюк сиймолари билан биз ҳам фахрланамиз. Президент Ислам Каримов ташаббуси билан юртингизда қадимий обидларни тиклаш, таъмирлаш ва асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар таъкидлаш лойиқ. Конференция доирасида Самарқанд шаҳрини зиёрат қила олганимдан жуда хурсандман.

Чо Хюн ТЭ,
Ер ва уй-жой корпорациясининг "Янги шаҳар" лойиҳаси директори (Жанубий Корея):

— Халқаро конференция жуда юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Анжуман иштирокчилари Ўзбекистонда истиқлол йилларида бетимсол ишлар амалга оширилаётганининг ғувоҳи бўлдим. Мамлакатингизда қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш, қишлоқларда замонавий ва сифатли уй-жойларни қуриш, ижтимоий соҳа объектларини барпо қилиш, қишлоқларнинг янги инфратузилмаларини шакллантириш борасида ҳавас қилса арзиғулик ислохотлар амалга оширилаётгани эътиборга молик.

Самарқанддаги муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлдим. Бу ердаги қадимий обидларнинг меъморий ечими, бугунга қадар асли ҳолида сақланиб келинаётгани, киши ақлини шоширувчи гўзаллиги ва салобати ҳақиқий мўъжизадир. Менга, айниқса, Регистон ансамблидаги зарҳал нақшлар билан безатилган Тиллоқор, Улугбек ва Шердор мадрасалари жуда ёқди. Ташкент ва Самарқанднинг кўплаб диққатга сазовор жойларида бўлиб, ҳар қадамда улкан бунёдкорлик ишларини қуриб, халқингизнинг яратувчанлиги салоҳиятига тасаннолар айтдим. Ўзбекистоннинг гўзал табиати, одамларингиз юзидидаги ҳаётдан мамнулик, эртанги кунга ишонч бизда ҳавас уйғотди.

Мадина УМАРОВА,
Нодира МАНЗУРОВА,
Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбирлари

Тошкентдаги Симпозиумлар саройида 17 апрель кунини Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган "Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон Банки, Осие таракқиёт банки, Ислам таракқиёт банки, Жануби-Шарқий Осие мамлакатлари уюшмаси (АСЕАН), ЮНЕСКО ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Буюк Британия, Франция, Германия, Испания, Италия, Ҳиндистон, Россия каби олтидан зиёд мамлакатдан 300 дан ортиқ олим, мута-

Мамлакатимиз буюк келажакнинг мустақкам асоси

хассис ва эксперт иштирок этди. Конференция Ўзбекистонда қишлоқ жойларининг қиёфасини тубдан ўзгартириш, худудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва унинг даромадларини оширишнинг устувор йўналиши ҳамда муҳим шарт сифатида белгиланган намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ аҳоли пунктларини обод этиш ва яқка тартибдаги замонавий уй-жой қурилишига доир дастурлар ижроси натижаларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, халқаро ҳам-жамият ва хоржлик экспертларни мамлакатимизда ушбу соҳада эришилаётган ютуқлар билан кенг таъкидлашга бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов халқаро

конференциянинг очилиш маросимида нутқ сўзлади.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида муқаддас ва гўзал Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек олий мақсад йўлида амалга оширилаётган бекиёс ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Электр ободлиги ва фаровонлигини таъминлаш барча соҳадаги ислохот ва ўзгаришларнинг бош мақсади этиб белгилангани, халқимиз ўрта-сида "Ободлик кўнглидан бошланади" деган чуқур мазмунли ҳикमत тобора кенг тарқалиб, одамларимиз ўз уйи, ўз юртини гўзал ва обод қилиб, шундан ўзи мамнун бўлиб яшаётгани шаҳар ва қишлоқларимизнинг бугунги тароватида

яққол намоён бўлмоқда. Айниқса, кейинги йилларда мамлакатимизнинг турли худудларида янги пайдо бўлган ҳамда янги аср қишлоқлари деб юритилаётган қўрқам ва чиройли, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, фойза ва барақа ҳукмрон аҳоли манзиллари мана шундай олимпиада мақсадларимизнинг амалдаги ифодаси, юртимизни дунёга танитишнинг муҳим омили бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган таракқиётнинг "Ўзбек модели"нинг ўзига хос жиҳатларидан бири қишлоқларимизни изчил ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга устувор аҳамият берилаётганидандир. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, барчамизнинг илдизимиз, томиримиз авваллабор қишлоқ заминига бориб та-

қалади. Она Ватан деган улуг ва муқаддас тушунча одамзот учун қишлоқ тимсолидан бошланади.

Шу боис ҳам қишлоқларимизни ривожлантиришдан мамлакатимиз таракқиётини, халқимиз фаровонлигини, дастурхонимиз тўкин-сончилигини таъминлаб бўлмайди.

Яқин ўтмишимизга назар ташлайдиган бўлсак, бу ҳақиқатнинг моҳияти охиригача тушуниб этилмаганига, қишлоқларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари, бу ерда яшовчи одамлар турмуш даражасини яхшилашга юзаниш қаралганига ғувоҳ бўламиз. Бундай шароитда қишлоқ аҳолисида ўз турмуш даражасини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, қишлоқларни обод қилиш имкониятлари чекланиши

вонлиги йили", деб эълон қилиниши ва "Қишлоқ таракқиёт топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади", деган эзгу ғояни ўзидида ифода этган махсус Давлат дастурининг ишлаб чиқиши ва изчиллик билан ҳаётга жорий қилинаётгани бу соҳада янги даврни бошқариб бериши. Мазкур дастурга биноан қишлоқ аҳолиси ҳаётининг сифатини янада яхшилаш мақсадида қишлоқларимизнинг архитектура нуктаи назардан режалаштирилиши ташкил этиш, уларда уй-жой ва ижтимоий объектлар қурилиши лойиҳалаштириш тизимини таъминлаш ишлари амалга оширилишига кўламли ишлар амалга оширилишига, Утган вақт мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқларни комплекс ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтиришга қаратилган кўплаб фармон ва қарорлари қабул қилинди.

(Давоми иккинчи бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ "ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ — ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚИЁФАСИНИ ЎЗГАРТИРИШ ҲАМДА АҲОЛИ ҲАЁТИНИНГ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ ОМИЛИ" МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мазкур банк ташкил этилганидан буён ўтган тўрт йил мобайнида қишлоқда 23,6 минг нафар яқка тартибда уй-жой қурувчи қайтиб 677 миллион доллардан зиёд ипотека кредитлари берилди.

Банк нафақат аҳоли, балки қишлоқда уй-жой ва ишлаб қилиш ҳамда ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этаётган қурилиш ташкилотлари, шунингдек, қишлоқ қурилишида фойдаланиладиган замонавий материаллар ва конструкциялар ишлаб чиқарувчи корхоналарни ҳам кредит билан таъминламоқда.

Қишлоқ жойларида яқка тартибда уй-жой қуриш дастурини амалга оширишда мамлакатимизнинг бошқа банклари — Ташки иқтисодий фаолият миллий банки ва "Ипотека банк" акциядорлик-тижорат банки ҳам фаол иштирок этмоқда.

Уй-жойларни намунавий лойиҳалар асосида тайёр ҳолда топшириш шартин билан қуриш борасида ҳамма ишлар "Қишлоқ қурилиш инвести" иқтисодлаштирилган инжиниринг компанияси зиммасига юкланган. Ягона буюртмачи бўлган ушбу компания мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўз филиалларида эга бўлиб, у қишлоқ жойларида уй-жой массивларини сифатли қуриш бўйича ягона сиёсатини амалга оширмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимиз ҳудудларида ташкил этилган 900 дан ортиқ янги иқтисодлаштирилган пудратчи қурилиш ташкилотларида бугунги кунда 20 минг нафарга яқин қурувчи меҳнат қилмоқда, замонавий қурилиш материаллари, конструкциялар, ёғоч пол, дераза панжаралари, том ёпиш ва бошқа материаллар ишлаб чиқарадиган 60 дан зиёд корхона ташкил қилинди. Кенг қўламли имтиёз ва преференциялар тизими яратилди.

"Қишлоқ қурилиш банк" кредитлари ҳисобидан яқка тартибда уй-жой қураётган қишлоқ аҳолиси ипотека кредитларини қайтариш ва уларнинг ўстама фойзларини қоплашга йўналтирилган даромад солиқларини тўлашдан озод этилган.

Бундан ташқари, улар сотиб олган уй-жойдаги мулк учун ипотека кредитини тўлиқ тўлашга қадар солиқ тўлашдан озод этилди.

Қишлоқ жойларида уй-жой қуришда иштирок этаётган "Қишлоқ қурилиш инвести" инжиниринг компанияси, пудратчи ташкилотлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган иқтисодлаштирилган корхоналар барча турдаги солиқлар ҳамда мақсадли давлат фондларига мажбурий ажратмалар, шунингдек, олиб келинётган қурилиш техникаси ва кичик механизация воситалари учун божхона тўловларини тўлашдан озод этилган. Бу эса қишлоқ аҳолиси учун қурилаётган уй-жойлар қийматини сезиларли равишда қайтариши имконини бермоқда. Бундай уй-жойларнинг бир квадрат метри шаҳардаги уй-жой қийматида бугунги кунда ўртача 2 баробар пастидир.

Этиборингизни яна бир масалага қаратмоқчиман. 2009-2012 йилларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш бўйича махсус дастурнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизнинг 159 та қишлоқ туманида 650 та янги қишлоқ уй-жой массиви барпо этилди, умумий майдони 3,2 миллион квадрат метр бўлган 23,6 мингдан ортиқ яқка тартибдаги уй-жой қурилди. Ушбу мақсадларга 1,2 миллиард доллардан зиёд миқдордаги инвестициялар йўналтирилди. Узунлиги 732 километр асфальтланган автомобиль йўллари, мингдан зиёд ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектилари барпо этилди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда қишлоқ аҳолисини марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 75,8 фоизи, табиий газ билан таъминлаш даражаси эса 76,2 фоизни ташкил этмоқда.

Жорий йилда ҳам қишлоқ жойларида уй-жойларни кенг қўламли қуриш ишлари кўзда тутилган. 353 та қишлоқ массиви ҳудудида бошлангич қурилиш ишлари жадал давом этирилмоқда. Уларда намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 1,4 миллион квадрат метр бўлган 10 мингта барча қулай шарт-шароитлар-

га эга уй-жой қуриш кўзда тутилган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 17,5 фоиз кўпдир. Айни пайтда узунлиги 300 километрдан ортиқ ичимлик суви тармоқлари ва 280 километрдан зиёд электр тармоқлари ишга туширилади, қарийб 240 километрик автомобиль йўллари қурилади, кенг қўламли ижтимоий ва бозор инфратузилмаси яратилади. Бу мақсадлар учун 2013 йилда салкам бир миллиард доллар миқдордаги инвестиция йўналтирилади.

Қишлоқда қурилиш ҳажми ортиб бораётгани муносабати билан замонавий қурилиш саноти ривожланмоқда, янги иш ўринлари ташкил этилмоқда, аҳоли бандлиги таъминланиб, унинг даромади ва фаровонлиги тобора ошмоқда.

Биз учун айниқса янги асосда мулкдорлар синфи шаклланиётгани, қишлоқларимиз қиёфаси кўз ўнгимизда тубдан ўзгариб бораётгани, одамларнинг маданияти юксалиб, уларнинг турмуш тарзи, онгу тафаккури ва менталитети ўзгараётгани беқиёс аҳамиятга эгадир.

Янги ва замонавий шариоитларда вояга етаётган, эски тузумнинг барча асоратларидан холи бўлган, ўз келажагига қатъий ишонадиган, юксак билимли, мустақил фикрлайдиган, баркамол ўғил-қизлар ҳақи равишда бизнинг ғуруримиздир.

Бундай авлод билан ҳақиқатан ҳам фахрланиш ва энг дадил истикбол режаларини тузиш мумкин.

Қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш бўйича махсус дастурини амалга оширишда Осиё тараққиёт банки, Ислам тараққиёт банки, Жаҳон банки каби қўламли нуфузли халқаро молия институтлари ва ташкилотлари ҳам фаол иштирок этаётгани алоҳида мамнуният билан таъкидлашни истардим. 2011 йилда Осиё тараққиёт банки Директорлар кенгаши томонидан жами 500 миллион АҚШ доллари миқдоридagi "Ўзбекистонда қишлоқ жойларида уй-жойлар қуришни ривожлантириш" лойиҳасини кўп трансшил молиялаш дастури маъқулланди. 2012 йилда дастлабки транш доирасида 160 миллион доллар аж-

ратилган бўлса, жорий йилда ушбу мабланнинг 200 миллион долларлик иккинчи транши тақдим этилади.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу юксак миқдордан туриб Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро тузилмалар раҳбариятига бизга мазкур стратегик мўҳим вазифани амалга оширишда қўрсатаётган қимматли ёрдами учун чуқур миннатдорлигимизни изхор этмоқчиман.

Хурматли конференция қатнашчилари!

Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган қишлоқ жойларида яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш дастурини мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан демократик ўзгариш ва янгиликлар жараёнларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг биз танлаб олган ижтимоий йўналтирилган демократик давлат барпо этиш йўлидан жадал илгарилан бораётгани, пухта ўйланган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг устувор йўналишлари, туб ўзгаришларни тадрижий, босқичма-босқич жорий этиш стратегияси танлангани ва изчил амалга оширилаётгани шундай мустақам ва ишончли асос бўлиб хизмат қилмоқдаки, унинг негизда миллий иқтисодий тармоқлар барқарор ҳамда жадал ривожланмоқда, аҳоли даромадлари ва ҳаёт даражаси мутасил ошаётган бўлмоқда, мамлакатимизнинг халқаро миқдосдаги обуру-этиборчи юксалимоқда, деб тўла ишонч билан айтишимиз мумкин.

Бу борда айниқса рақамларни келтирмоқчиман.

Глобал молиявий-иқтисодий инкирозга қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодий дунёдаги санокли давлатлар қатори юксак барқарор ўсиш сурьатларига эришмоқда. Сўнгги 6 йилда мамлакатимиз янги ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш сурьатлари 8 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда.

Давлат бюджетининг барқарор профицит билан бажарилиши, олтин-валюта захирасининг етариллиги таъминланмоқда. Ташқи қарз ўлчи маҳсулотга нисбатан 12 фоиздан ошмасдан, пастигича қолмоқда.

Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилгани унинг ўзига хос хусусияти бўлиб қолмоқда. Давлат сарф-харажатларининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳаларни молиялашга, жумладан, 34 фоизи таълим, 15 фоиздан ортиги соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилмоқда.

Банк тизими ҳам ишончли ва барқарор фаолият қўрсатмоқда. Бугунги кунда банк капиталининг етариллик даражаси 24 фоизни ташкил қилмоқда ва бу қўрсаткич дунёда умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 баробар кўпдир. 2012 йил якуни бўйича банк тизимининг ликвидлиги талаб этилган энг кам даражадан 2 баробар юқори бўлди.

Ҳар йили янги, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, фаолият қўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича юзлаб йirik инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда 2000 йилга нисбатан инвестицияларнинг йиллик ўсиши 4 баробар ошди ва сўнгги йилларда ўртача камида 12 миллиард долларни ташкил этмоқда. Инвестиция маблағларининг қарийб 78 фоизи — шунга алоҳида эътибор беришининг суръатим — ички манбалар ҳисобидан шакллантирилмоқда, жумладан, инвестициялар умумий ҳажмининг 21 фоизини аҳоли омонатлари ташкил этмоқда.

2012 йилда жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ортиги ёки 2,5 миллиард доллардан кўпрогини хорижий инвестициялар ташкил этди. Уларнинг 80 фоизга яқини тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидан. Бу, ўз навбатида, хорижий инвесторларнинг Ўзбекистонга, мамлакатимизда бизнес учун яратилган шарт-шароитларга ишончи тобора ортиб бораётганлиги даллат беради.

Аҳолининг банкларидаги омонатлари ҳажми ўтган 2012 йилда 35 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 60 баробар ошди.

Ўзбекистон Республикаси Тиклаши ва тараққиёт жамғармаси ташкил этилди ва айни пайтда унинг капиталли 15 миллиард долларга ётди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон ўзи танлаган замонавий демокра-

тик ва иқтисодий ривожланган давлатлар қаторига кириш, аҳоли учун муносиб турмуш шариоити яратиш бериш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш йўлидан қатъий ишонч билан бораётганини яна бир тасдиғидир.

Қадрли дўстлар!
Мазкур анжуман кун тартибига киритилган масалаларни тўлиқ муҳокама этиш, ушбу серқирра муаммонинг барча жиҳатини қамраб олиш имконини йўқлигини барчамиз яхши тушунамиз.

Қишлоқда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш бўйича ўз стратегиясини шакллантиришда конференция қатнашчилари томонидан бошқа мамлакатларда бу борда тўпланган қимматли тажрибани эътиборга олган ҳолда билдириладиган тилак ва таклифларни эшитиш биз учун жуда фойдали ва мўҳимдир.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон барча халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, чет эл банклари ва компаниялари, олимлар ҳамда экспертлар билан ўз олдига қўйган мақсадни рўёбга чиқариш — қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгариши, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада изчил ошириш, уларни ривожланган давлатлардаги стандартларга яқинлаштиришда ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдордир.

Мўҳтарам меҳмонлар ва халқаро конференция иштирокчилари, сизларнинг тимсолингизда, биз, аввало, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва мамлакатини модернизация қилиш йўлида эришилаётган ютуқлардан чин дилдан манфаатдор бўлган инсонларни қўриб турибмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизларга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва самимий миннатдорлигимни яна бир бор изхор этмоқчиман.

Конференциянинг барча қатнашчиларига анжуман иши самарали бўлишига, азиз меҳмонларимизнинг савобатли ўзбек заминига ташрифи мазмунли ўтишини ҳамда барчангизга мустақам боғлиқ ва фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Этиборингиз учун раҳмат.

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 21 январда қабул қилинган қарорига мувофиқ "Қишлоқ қурилиш лойиҳа" лойиҳа-тадқиқот институтини ташкил этилди. Мазкур институт томонидан қишлоқ жойларида барпо этиладиган уй-жойлар, ижтимоий иншоотлар, маъшият мақсадли қўрсатиш объектларининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди. 2009 йилнинг сентябрь ойида ва 2010 йилнинг октябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган кўргазмаларда бу лойиҳалар кенг жамоатчиликка намойиш этилди, улар атрофида муҳокамалардан ўтказилиб янада тақомиллаштирилди.

Қурилишда қўзланган мақсадга етишишнинг асосий омиллари орасида хал қилувчи ўрин тутадигани бу — лойиҳа экани маълум. Шу маънода Президентимизнинг замонавий уй-жойларни намунавий лойиҳаларини яратиш ва уларни тақомиллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш лозим. Президентимиз мамлакатимиз вилоятларига ташрифи чоғида дастлаб қурилган уйлар билан бевосита танишиб, уларнинг афзал жиҳатларини эътироф этган ҳолда, ушбу лойиҳаларнинг яқка тақомиллаштириш юзасидан ўзининг амалий тақлиф ва тавсияларини билдирди. Бу мўҳим масала Юрбошқимиз раҳбарлигида бир неча бор муҳокама қилиниб, намунавий лойиҳалар ҳар томонлама синчиқлаб таҳлил қилинди. 2010 йил 17 июнда Президентимизнинг "Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ яқка тартибдаги уй-жойларнинг намунавий лойиҳаларига жиҳдий ўзгариш ва тузастишлар киритилди. Жумладан, қишлоқ жойларида ҳар бир иморат қурувчига 4 сотих ўрнига 6 сотих ҳажмида ер участкаси ажратилиб белгиланди.

Бугунги кунда юртимизнинг барча минтақасида танлаб олинган намунавий лойиҳалар асосида уч, тўрт ва беш хонали уй-жойлар шарҳона усулда, халқимизнинг миллий ҳаёт тарзи, ҳудудларнинг табиий иқлим шариоити, шу билан бирга, замонавий муҳандислик коммуникациялари билан уйғун ҳолда, баваҳо, ёруғ, кенг ва

Мамлакатимиз буюк келажанингни мустақам асоси

қулай қилиб бунёд этилмоқда. Янги уй-жойлар лойиҳаларида шундан қараганда арзимасдек туширилган, лекин кундалик ҳаётимизда катта аҳамиятга эга барча жиҳат, инсоннинг энг носиз эҳтиёжлари ҳам ҳисобга олинган.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 30 март кунини имзоланган қарорини асосида тузилган "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик-тижорат банки қишлоқларимиз қиёфасини замонавийлаштириш, уларнинг қўрқига қўқ кўшиш, қишлоқ аҳолисининг уй-жой шариоитини яқшилаш йўлидаги ишларни маблаг билан таъминлаш, бу соҳада узок муддатли имтиёзли кредитлашнинг амалга ошириш борасида самарали фаолият олиб бормоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 3 августда имзоланган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиш қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан уй-жой шариоитини яқшилаш ниятида бўлган фуқароларга катта имтиёз ва қулайликлар яратилди, тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида қурилиш ишларини тез ва сифатли амалга ошириш механизмлари шакллантирилди. Мазкур қарорга мувофиқ, "Қишлоқ қурилиш банк"нинг "Қишлоқ қурилиш инвести" иқтисодлаштирилган шўба инжиниринг компанияси ташкил этилди. Қишлоқда яқка тартибдаги уй-жойлар ва ижтимоий объектларни тайёр ҳолда топшириш шартини асосида фаолият олиб борадиган, мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудда ўз бўлимига эга бўлган мазкур компания намунавий лойиҳаларни амалиётга таъкид қилишда мўҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳар томонлама пухта ўйланган бу ноёб тизим халқимиз орзу ва ниятларининг рўёбга чиқилиши, кўркам, шинам, инсон ҳаёти учун зарур барча шариот муҳайё этилган замонавий йўларга эга бўлишида кенг имкониятларни яратаетир. Бугунги кунда янги уйга эга бўлишни истган қишлоқ аҳолиси уй қурилишида фақат ўз маблага билан иштирок этади, холос. Яъни, дастлаб намунавий лойиҳа асосидаги уй нарҳининг 25 фоизи миқдоридagi бошлангич бадал пулини тўлайди ва сўнг қурилиш жа-

раёнини назорат қилиб боради. Қурилиш сарф-харажатларининг аксарият қисми аҳолига "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан бериладиган узок муддатли имтиёзли кредит ҳисобидан қопланади. Янги уй-жойларни барпо этишни молиялаштиришни ташкил этиш ва қурилишининг бориши устидан техник назорат ўрнатилиш, банк томонидан берилган имтиёзли кредитлар ҳисобидан узил-кесил қисқиб-чотиб қилиш асосида намунавий лойиҳалар бўйича қурилган уй-жойларни аҳолига топшириш ҳам "Қишлоқ қурилиш инвести" иқтисодлаштирилган шўба инжиниринг компанияси зиммасига юкланилган.

Мана шундай тизим асосида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2009-2012 йилларда 23,6 минг замонавий уй-жой барпо этилди. 2013 йил — Обод турмуши йилида бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтириш белгилаган бўлиб, 10 мингта уй-жойни барпо этиш ишлари изчил олиб борилмақда. Шу мақсадда йил охиригача 1 триллион 400 миллиард сўм, яъни ўтган йилга нисбатан 54 фоиз кўп маблаг йўналтирилди.

Бундай кенг қўламли эзгу ва хайрли ишларни иқтисодий ёқда ривожланаётган инсон, унинг манфаатлари олиқ кадрият ҳисобланган мамлакатимизда амалга ошириш мумкин. Ўзбекистон янги ички маҳсулотнинг ўсиш сурьатлари бўйича дунёдаги энг жадал ривожланаётган давлатлар қаторидан ўрин олиб келмоқда. Жаҳон иқтисодий аҳолига ҳамон сакланиб қолаётган жиҳдий муаммоларга қарамастан, 2012 йилда Ўзбекистонда иқтисодий ёқда барқарор сурьатлар билан ривожлантириш изчил давом этирилиши, ўтган йили мамлакатимиз янги ички маҳсулотининг 8,2 фоизга ўсиши.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, замонавий уй-жойлар мамлакатимизда ишлаб чиқилган қурилиш материаллари асосида бунёд этилмоқда. "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси, "Ўзметкомбинат" акциядорлик бирлашмаси, "Ўзмонтажмаҳсулқурилиш" уюшмаси, "Қишлоқ қурилиш инвести" инжиниринг компанияси тизими-

даги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган цемент, металлпрокат, пишқиқ гилт, иситиш жиҳозлари, ойна сингари қурилиш материаллари қурувчиларга имтиёзли нарҳларда ўз вақтида etkaziб берилмақда. Биргина цементни оладиган бўлса, 2012 йили бунёдкорлик ишлари учун 410 минг тоннадан ортиқ ана шундай маҳсулот etkaziб берилган.

Мамлакатимизда авж олган кенг қўламлида қурилиш ишлари, табиийки, қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжни ҳам оширмоқда. Жойларда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга иқтисодлашган янги корхоналар ишга туширилатгани бу эҳтиёжни таъминлашга хизмат қилаётди. Юртимизда маҳсулотнинг ҳашаддан кўпайиши материаллари ишлаб чиқариш ҳамда қуриш ишлари учун маҳсулотларнинг турли ўлچамлардаги маҳсулотларнинг тури ўтирилади ошди. "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси корхоналарида бир қатор лойиҳаларни ҳаётга таъкид этиш чоралари қўрилмоқда. "Бекободцемент" акциядорлик жамиятида янги линия ишга туширилди. Натихада мамлакатимизда цемент ишлаб чиқариш ҳажми яна 1 миллион тоннага ошади, бу ерда қарийб 100 янги иш ўрни яратилди. Жиззах вилоятида йилга 350 минг тонна оқ цемент, 750 минг тонна портландцемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича сарможий лойиҳа устида иш олиб борилмақда. Фарғона шаҳрида сопол плиткалар, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчик туманида йилга 2,1 миллион квадрат метр бўлган керамик плиткалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Санитар-техник сопол буюмлар, керамагранит маҳсулотлари, керамик плиткалар ишлаб чиқариш лойиҳалари юзасидан ҳам тегишли ишлар олиб борилмақда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, янги қишлоқ массивларида уй-жойлар билан бир қаторда боллар боғчалари, умумтаълим мактаблари, муслика ва санъат мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, маҳалла марказлари, савдо мажмуалари, хизмат қўрсатиш объектлари бош режа асосида комплекс тарзда қурилмоқда. Давлат маблаглари ҳисобидан ичимлик суви, электр ва газ таъминоти, коммунал инфратузилма тармоқлари ва объектларини қуриш ишлари тизимли асосда давом этирилимоқда.

Қишлоқда уй-жой билонлари ва ижтимоий инфратузилмалар қурилишини жадал ривожлантириш дастури аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадларини ошириш билан боғлиқ долзарб масала

материалларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириди. Бугунги кунда атиги икки хил материал — тахта ва томлар черепицаси учун металл листларини импорт қилмади. Айни пайтда корхоналарнинг экспорт салоҳияти тобора ортиб бормоқда. Агар 1995 йилда фақат цемент ва шиша буюмлар экспорт қилинган бўлса, ҳозир хорижа сотилаётган маҳсулотларнинг тури ўтирилади ошди. "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси корхоналарида бир қатор лойиҳаларни ҳаётга таъкид этиш чоралари қўрилмоқда. "Бекободцемент" акциядорлик жамиятида янги линия ишга туширилди. Натихада мамлакатимизда цемент ишлаб чиқариш ҳажми яна 1 миллион тоннага ошади, бу ерда қарийб 100 янги иш ўрни яратилди. Жиззах вилоятида йилга 350 минг тонна оқ цемент, 750 минг тонна портландцемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича сарможий лойиҳа устида иш олиб борилмақда. Фарғона шаҳрида сопол плиткалар, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчик туманида йилга 2,1 миллион квадрат метр бўлган керамик плиткалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Санитар-техник сопол буюмлар, керамагранит маҳсулотлари, керамик плиткалар ишлаб чиқариш лойиҳалари юзасидан ҳам тегишли ишлар олиб борилмақда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, янги қишлоқ массивларида уй-жойлар билан бир қаторда боллар боғчалари, умумтаълим мактаблари, муслика ва санъат мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, маҳалла марказлари, савдо мажмуалари, хизмат қўрсатиш объектлари бош режа асосида комплекс тарзда қурилмоқда. Давлат маблаглари ҳисобидан ичимлик суви, электр ва газ таъминоти, коммунал инфратузилма тармоқлари ва объектларини қуриш ишлари тизимли асосда давом этирилимоқда.

Қишлоқда уй-жой билонлари ва ижтимоий инфратузилмалар қурилишини жадал ривожлантириш дастури аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадларини ошириш билан боғлиқ долзарб масала

маси — АСЕАН Бош қотибнинг ўринбосари Алисия Дела Роса Бала, Хитой давлат тараққиёт банки вице-президенти Юань Ли, АҚШнинг "California Coalition for Rural Housing" компанияси ижрокчи директори Роберт Винер, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги — ЈИСАнинг Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари бўлими директори Тетцүя Ямада ва бошқалар Ўзбекистонда мазкур соҳада амалга оширилган кенг қўламли ислохотларни юксак баҳоладилар. Мамлакатимизда бу борда улкан ютуқлар эришилгани таъкидланди.

Самарқанд, Бухоро, Тошкент вилоятларида бўлиб, янги массивларда намунавий лойиҳалар асосида қурилган уй-жойлар, улардаги ижтимоий соҳа ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик объектлари билан танишган конференция иштирокчилари Ўзбекистонда ушбу соҳада ҳаётга таъкид этилаётган ислохотлар юксак самаралар бераётганига яна бир бор ишонч хосил қилдилар.

Конференцияда Ўзбекистоннинг замонавий уй-жой қурилиш орақли қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгариши ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яқшилаш борасидаги таърибаси ўз самарадорлиги ҳамда қўйилган мақсадларга эришиш бўйича қўламли мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги қайд этилди.

Анжуман иштирокчилари секция мажлисларида қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишининг ҳуқуқий асослари ва ушбу давлат томонидан қўлаб-қувватлаш чора-тадбирлари, уй-жой қурилиши бўйича аҳоли учун яратилган шариот ва қарорлар, уй-жойлар ва инфратузилма объектлари

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик, ишбилармонлик каби фазилатлар халқимиз ҳаёт тарзида азал-азалдан шаклланган қадриятлардандир. Айниқса, мустақиллик йилларида мамлакатимизда тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракатини ҳар томонлама ривожлантиришга бўлган эътибор мутлақо янги мазмун ва моҳият касб этиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мустақил тараққиётимизнинг ўтган даври мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик юқори даромад олиш, янги иш ўринлари яратишнинг асосий манбаларидан бирига айланган.

Qonun ijodkorligi

Тадбиркорлик тараққиётининг кафолатлари



Шуни алоҳида қайд этиш керакки, мамлакатимизда тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, ишбилармонларга қулай шарт-шароитлар яратиш ва имтиёзлар бериш қўламини йил сайин кенгайтиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мазкур соҳа ривожига яна бир янги бошқични бошлаб берди. Мазкур ҳужжатга кўра, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, улар йўлида учраётган бюрократик ғовларни бартараф этиш, рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ва соддалаштириш, солиқ ва божхона маъмуриятчилигини, ҳисоб-китоб ва ҳисобот тизимини тақомиллаштиришга йўналтирилган қонун ҳужжатларини мукамаллаштириш орқали мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш, хусусий мулкчиликнинг иқтисодий ривожлантиришидаги ҳиссасини ошириш борасидаги устувор вазифалар белгилаб берилди.

Шунингдек, бизнесни юритиш шарт-шароитларини баҳолашнинг халқаро меъзонларини кенг жорий этиш ҳамда етакчи халқаро молиявий-иқтисодий ва рейтинг ташкилотларининг юқори баҳо кўрсаткичларига эришишни таъминлаш асосий мақсад экани қайд этилди.

Фармонга кўра, эндиликда тадбиркорлик субъектлари учун ички бозорда рақобатни янада чуқурлаштириш, мулкчилик ва фаолиятни ташкил қилиш шаклларида қатъий назар, барча соҳа вакиллари учун бизнесни юритишда тенг шароитлар яратиш, бозор тамойиллари асосида моддий хомашё ва кредит ресурсларидан фойдаланиш, давлат харидлари ҳамда маҳсулотларни сотиш ва пулрат ишларини амалга ошириш борасидаги танлов савдоларида иштирок этишга кенг имкониятлар яратилди.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг статистик, молиявий ва солиқ ҳисоботларини тақдим этиш, солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлаш, рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга ошириш, ер майдонларини ажратиш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларига улашиш, тадбиркорлик субъектларини кредитлаш каби масалаларда давлат, назорат қилувчи органлар билан бе-

восита мулоқотни, бюрократик сансалорликни истисно этувчи электрон тизимга, шу жумладан, Интернет тармоғига кенг миқёсда ўтишни таъминлашмоқда.

Шу ўринда мамлакатимизда Жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган методологияга мос ва юртимизда бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш, арзонлаштириш ва уларнинг очиклигини таъминлашга йўналтирилган комплекс дастур қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Айтиш керакки, ушбу дастур доирасида ўтган йилнинг ўзида 6 та муҳим қонун, жумладан, "Хусусий мулкнинг ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, янги тахрирдаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар, шунингдек, қонун бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, солиқ ва статистик ҳисоботларни қисқартиришга қаратилган қонун ҳужжатлари ва норматив актлар мажмуаси қабул қилинди.

Рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомил, лицензиялашни талаб этиладиган 15 та фаолият тури бекор қилинди, статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларнинг

шакллари ва даврийлиги 1,5-2 баробар қисқартирилди. Давлат ва назорат қилувчи идораларнинг тадбиркорлик субъектлари билан электрон шаклдаги билвосита алоқаси бошқичма-бошқич жорий этилмоқда. Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги таъминли жорий этилган бўлиб, бунда тадбиркорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ қонунчиликдаги баргараф этиб бўлмайдиган қарама-қаршилик ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъекти фойдасига талқин қилиниши белгилаб қўйилган.

Ана шундай амалий саъй-ҳаракатлар натижасида Жаҳон банки ҳисоб-китоблари кўра, 2012 йилда Ўзбекистон бизнесни юритиш бўлимида жаҳон давлатлари ўртасидаги рейтингда 14 ўрин юқорига кўтарилди.

Мамлакатимиз микёсида эса, кичик бизнеснинг ялли ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунга келиб 54 фоизга ортди. Ушбу соҳада банд бўлганлар сони эса, икки баробардан кўпроқ ошди ҳамда иқтисодий тармоқларида меҳнат билан банд бўлганларнинг 75,1 фоизидан кўпроги мазкур соҳа ҳиссасига тўғри келади. Айни вақтда ялли ички маҳсулотнинг 82,5 фоизи, саноат маҳ-

сулотларининг 91 фоизи ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг деярли ҳаммаси нодавлат сектор томонидан ишлаб чиқарилмоқда.

Натижада бир неча йилдирки, жаҳон молиявий инқирози шароитида мамлакатимизда дунёдаги санокли давлатлар каторида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатлари таъминлаб келинмоқда.

Айниқса, "Обод турмуш йили" деб эълон қилинган жорий йилда халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўрғида кўрқ қўшиш, ўз уйимиз, ўз юртимизни ҳар томонлама гўзал ва обод қилиб, шундан ўзимиз мамнун бўлиб, рози бўлиб яшашимизда тадбиркорларимизнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, улар ўз меҳнатлари билан иқтисодий тизимнинг барқарор суръатларда ўсиши, аҳолини иш билан банд этиш, давлатимиз ва жамиятимиз тараққиёти, пировардида обод турмуш шароитини таъминлашга улкан ҳисса қўшаётган фидойи инсонлардир. Бугунги ишбилармонларимизнинг интилиши ва ташаббускорликлари негизда, авваламбор, юртимиз, Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, инсон тинч ва фаровон яшайдиган ҳаёт барпо этиш ғояси муҳажасам.

Ушбу эзгу мақсадлар "Обод турмуш йили" Давлат дастурида кенг қамровда акс этгани ҳам эътиборга молик. Хусусан, Дастурнинг иккинчи бўлимида қайд этилганидек, жорий йилда 972,7 мингта янги иш ўрни яратилиши белгиланган. Бунинг асосий қисми тадбиркорликка тўғри келиши соҳанинг иқтисодий тизимизда ўта муҳим ўрин эгаллаётганидан далалатдир.

Бир сўз билан айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бугунги кунда халқ фаровонлиги, тараққиётимизни таъминлашга улкан замин яратмоқда.

Қодиржон ОХУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Истиқдол йилларида ёш авлодни жисмонан соғлом ва маънан баркамол қилиб тарбиялаш, истеъдодли ўғил-қизлар иқтидорини рўёбга чиқариш ҳамда уларни ижтимоий-ҳуқуқий муҳофаза қилиш энг устувор вазифа этиб белгиланди. Бу вазифа ижросини таъминлашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар қисқа фурсатларда ўз самарасини берди. Зотан, мамлакатимиз ёшлари спорт, фан, маданият соҳаларида улкан ютуқларни қўлга киритиб, юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи ва нуфузини янада юксалтиришга муносиб улуш қўшмоқдалар. Қувонарлиси шундаки, бундай хайрли ва эзгу ишларда она, мактаб, маҳалла ва жамоат бирлашмаларининг ўзаро ҳамкорлиги ютуқларимиз давомийлигини таъминламоқда.

Burch va mas'uliyat

Фарзанд тарбияси

унга ҳар биримиз масъулмиз

Бироқ ҳаётда ёшларга салбий таъсир ўтказиб, вояга етмаганларнинг ишонувчанлиги ва тажрибасизлигидан фойдаланган ҳолда, уларни турли хил гайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этишга уринадиган айрим кимсаларнинг ҳам учраб туриши афсусланарлидир.

Айтиш жоизки, амалдаги Жиноят кодексининг 127-моддасида вояга етмаган шахсни гайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилган.

Шу ўринда фикримизни суд амалиётидаги мисоллар ёрдамида давом эттирайлик. Баҳодир Умидов 21 ёшга тўлганига қарамай, бирон-бир касб-корнинг бошини тутишни хаёлига келтирмади. Ана шундай қуноқнинг бирини да у ўзига жиноий йўл билан бойлик орттириш режасини тузади. Бу қабиҳ ниятни амалга ошириш мақсадида Баҳодир ўзига жиноий шерик излай бошлайди. Тез орада маҳалладоши, вояга етмаган Қаҳрамон Авазовнинг ўзининг жиноий режасини амалга оширишда кўмаклашишга кўндирди.

Шу тариқа Баҳодир Қаҳрамонни эргаштирганча деҳқон бозори томон йўл олади. Бозор яқинидаги автобекатда ўтирган йигит уларнинг эътиборини тортади. Икковлон шу заҳотиёқ унинг ёнига бориб, бегона йигитни суҳбатга тортишади. Сардор исми бўлган Баҳодирга ўта содда бўлиб кўринади. Баҳодир Сардорнинг қўл телефонини сўраб олади ва дарҳол уни Қаҳрамонга тутқазиб, кўздан гойиб бўлади. Сардор Қаҳрамондан телефон аппаратурини қайтариб беришини сўраса-да, фойдаси бўлмайди. Уларнинг баланд овозда тортишаётганини эшитган Баҳодир Сардорни тинчлатиришга уринади, бироқ телефонни қайтариб беришни хаёлига ҳам келтирмайди.

Шундан сўнг жиноий шериклар Сардорни одамлардан холироқ жойга бошлаб бориб, дўппослай кетишади. Хайриятки, яқин-атрофдаги одамлар ёрдамга келиб, Сардорни ажратиб олишади. Ички ишлар ходимлари ҳам воқеа жойига етиб келишади. Буни қарангки, Баҳодир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларини чағиртиш мақсадида Сардорни айблашга уринади. Бироқ суриштирув ва дастлабки тергов чоғида Баҳодир Умидовнинг айби ўз тасдиғини топди.

Суд Б.Умидовни талончилик, безорилик ҳамда вояга етмаган шахсни гайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этиш жиноятларини содир этганликда айбдор, деб топди ва унга нисбатан қонуний жазо тайинлади. Дарҳақиқат, вояга етмаган фарзандини спиртли ичимлик ичишга, жиноят содир этишга ундаган Қ.Абдувалиевга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Айтиш жоизки, амалдаги қонунчилигимизга мувофиқ, ички ишлар бўлимлари томонидан ҳар бир ҳудуддаги нотинч ва носоғлом муҳит шаклланган оилада, қолаверса, жиноят содир этишга мойил шахслар ўртасида махсус тарбиявий тушунтириш ишлари олиб борилади. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга яқиндан ёрдам бериш кенг жамоатчиликнинг, ҳар биримизнинг бурчимиздир. Шундангина вояга етмаганларни гайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этиш билан боғлиқ жиноятларга барҳам берган ва айни чоғда ёш авлодни эл-юрт қорига ярайдиган, юртимиз равнақи йўлида хизмат қиладиган, она Ватанга садоқатли инсонлар қилиб тарбиялашдек хайрли ва эзгу ишларга муносиб улуш қўшган бўламиз.

Абдураззоқ ШЕРҚУЗИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг раиси
Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,
"Куч — адолатда" муҳбири

насидадан божхона расмийлаштирувдан ўтмаган 501 дона тикув машинаси ашёвий далил тариқасида олинди.

Шу тариқа Т.Бойматов, Г.Мамадиев, Н.Номозов, И.Эгамбердиев ва Р.Мадалиевнинг мўмай даромад орттириш мақсадида тузган жиноий режаси амалга ошмай қолди. Суд ушбу жиноят ишини атрофлича ўрганиб чиқиб, судланувчиларни Жиноят кодексининг 182-моддаси 2-қисми "а" банди билан айбдор деб топди ва Т.Бойматовга нисбатан олти йил олти ой, Ф.Мамадиевга нисбатан беш йил олти ой муҳдатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Судланувчилар — Н.Номозов, И.Эгамбердиев, Р.Мадалиевларнинг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баравари миқдорида жарима жазоси тайинланди.

Суд ҳукми билан жиноят иши юзасидан ашёвий далил тариқасида олинган 501 дона, яъни 45 миллион 150 минг сўмлик тикув машиналари, жиноят қуроли деб топилган "КамАЗ" русумли автомашина, А.Назармухаммедовга тегишли "Нексия" русумли энгил автомобиль давлат эгалигига ўтказилди.

Айтиш жоизки, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш мамлакатимиз ҳудудига сифатсиз ва истеъмолга яроқсиз товарлар келтирилишига, товар айирбошлаш тартибининг бузилишига олиб келади. Божхона назоратини бузмаган ҳолда фаолият кўрсатиш эса, ҳам тадбиркорлар манфаатига, ҳам мамлакатимиз равнақига хизмат қилишини унутмаслигимиз лозим.

Жаҳонгир ТУРҒУНБОВЕВ,
жиноят ишлари бўйича Жиззақ туман судининг раиси
Абдухамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" муҳбири

Saboq

Божхона қонунчилиги

уни бузиш жавобгарликка сабаб бўлади

Истиқдол йилларида мамлакатимизда божхона назоратини ҳамда товар айирбошлашни тартибга солиш ва иқтисодийнинг барқарор суръатларда ривожланишини таъминлаш, ички бозорни ҳимоялаш мақсадида ягона божхона сиёсати ўрнатилди. Бу қисқа фурсатларда ўзининг ижобий самарасини берди. Эндиликда товар айирбошлаш тизими изчил йўлга қўйилиб, ички бозоримиз сифатли маҳсулотлар билан тўлдирилмоқда.

Афсуски, ҳаётда ўрнатилган тартиб-қоидаларга амал қилмасдан, божхона назоратини четлаб ўтишга уринадиган кимсалар ҳам учраб туради. Тolib Бойматов ҳам шундайлардан бири. Аслида у бийойидек савдо-сотик билан шуғулланиб юрди. Қўнларнинг бири-два Россияда эски тикув машиналари кўп, деган хабар қулоғига чалинган Тolib Новосибирск шаҳрига йўл олади. У шахарни обдон айланиб, турли русумдаги тикув машиналарини сотиб олади ва Тошкентга олиб келиш чорасини излай бошлайди.


Тolib қўшни республикалик хайдовчи билан келишувга эришгач, унинг "КамАЗ" автомашинасида юкларни Қозғистон Республикасининг Ётисой туманига олиб келади ва шу ердаги омборхоналардан бирига жойлаштиради.

Тolib божхона назоратини четлаб ўтиб, юкни республикамиз ҳудудига олиб киришни қўлаётганди. Тез ора-

да унга ёрдам берадиган гумашталар ҳам топилди қолди. Жиззахлик Фани Мамадиев тикув машиналарини Тошкент шаҳрига етказиб беришни ўз бўйнига олади.

Ф.Мамадиевнинг танишлари — Насриддин Номозов, Илҳом Эгамбердиевлар ҳам бу ишга бош қўшиб, улар Янгийўл шаҳридаги "Жума" хусусий корхонаси хайдовчиси Расул Мадалиевни юкни айланма йўллар орқали республикамиз ҳудудига декларациясиз олиб кирилган 45 миллион 150 минг сўмлик тикув машиналарини "КамАЗ" автомашинасига жойлаб беришади.

Шу тариқа божхона расмийлаштирувдан ўтмаган кўп миқдордаги тикув



машиналари ортилган "КамАЗ" Форш тумани ҳудудидан Чимкўрғон автомобиль йўли бўйлаб ҳаракатланиб келаётганди. Н.Номозов "Нексия" русумли автомашинасида кузатувчи вазифасини бажариб бораётганди. У ўз вазифасини "сидқидилдан" адо этиб, йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари борлигидан ҳамтовокларини оғоҳлантиради. Шундан сўнг жиноий шериклар "КамАЗ"ни йўл четидаги уюм ортига яширишга уринишади. Лекин бу йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларининг зийрак нигоҳидан четда қолмайди. Текширув чоғида юк автомаши-

Битим — фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатидир. Битимлар бир тарафлама, икки тарафлама ёки кўп тарафлама бўлиши мумкин.

тим — тарафларнинг келишуви бўйича юридик оқибатлар туғдирмаслик нияти билан фақат кўриниш учунгина тузилган битим

рафларнинг ҳар қайсиси битим юзасидан олинган барча нарсаларни иккинчи тарафга қайтаришга мажбур.

дан ҳақиқий эмас, деб топилши мумкин. Янглишиш таъсирида тузилган битим ҳақиқий эмас, деб топилса, тарафлардан бири иккинчи тарафга битим юзасидан олинган барча нарсаларни қайтаришга, унинг қийматини тўлашга мажбур. Агар битим ҳақиқий эмас, деб топилган тараф янглишиш иккинчи тарафнинг айби билан юз берганлигини исботлай олса, у иккинчи тарафдан ўзига етказилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Алдаш, зўрлаш, кўрkitиш таъсири остида ёки бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда ёхуд фуқаро учун оғир ҳолатларнинг юз бериши оқибатида тузилган битим жабрланувчининг даъвоси бўйича ҳақиқий саналмаслиги мумкин. Алдаш таъсири остида битим тузилишида битим тузувчи иккинчи томонни атайин янглиштиради. Бу ҳолда алданувчи томон битимнинг шартлари тўғрисида нотўғри тасаввурга эга бўлади. Кўрkitиш таъсири остида битим тузилишида жабрланган шахс ўзига ёки яқин кишиларига бирор мулкий ёки шахсий зарар етказилишидан кўрkitиб, битим тузишга мажбур бўлади.

Демак, алдаш, кўрkitиш орқали тузилган битим ҳақиқий эмас, деб топилса, бу ҳолатда иккинчи тараф битим юзасидан олган нарсасини жабрланувчига қайтариши лозим. Битим юзасидан жабрланувчининг иккинчи тарафдан асоссиз олинган мулкни давлат даромадига ўтказилади.

Хулоса қилиб айтганда, битим тузишда тарафларнинг ҳуқуқий асосларига тўлиқ риоя этиши зарур. Шундан битим ишончли бўлиб, унда иштирок этувчилар манфаатларига хизмат қилади.

О.Жўраев,
фуқаролик ишлари бўйича
Оқолтин туманлараро суди
раиси вазирасини
бажарувчиси

G'aroyib olam

Табиятда ҳаёти-ҳануз сирлигича қолиб келаётган воқеа-ҳодисалар кўп учрайди. Шулардан бири — зилзилалар қандай рўй беришини замонавий фан ҳам тўлиқ айтиб беролганича йўқ.

Биз билган ва билмаган дунё



БАШОРАТЧИ ЖОНЗОТЛАР

Айтиш керакки, табиятдаги бу сирли ҳодисани ўрганиш бўйича изланишлар узоқ йиллардан буён давом этиб келмоқда. Зилзилаларни олдиндан башорат қилиш борасидаги биринчи муваффақиятли уринишлар ўтган асрнинг 70-йилларида амалга оширилган. Ушундан олимлар бу офатни ҳам башорат қилиш яқин вақт ичида ечимни топиладиган масала деб ҳисоблашган. Уларнинг назаридан, зилзилани башорат қилиш учун ер қаридан олинаётган ахборот ҳажминини кўпайтириш ва уни қайта ишлаш тизимини тақомиллаштириш керак эди, холос.

Уша пайтда Хитойда табиятдаги ўзгаришлар, ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатидаги ноодатий ҳолатлар ҳақида хабар берадиган кузатувчилар гуруҳи тузилган. Орадан маълум вақт ўтиб, фавуқлодда хизматларга бу гуруҳлардан турли хабарлар кела бошлаган. Натижада 1975 йил Хитойда юз минглаб одамларнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Маълум бўлишича, қиш бўлишича қарамай ўй-қуда ётган илонлар ўз илларини ташлаб ташқарига чиққанча музлаб қолган. Шундан сўнг аҳолини тезкорлик билан кўчириш ҳақида қарор қабул қилинган. 1975 йил 4 февраль кунини Ляонингда юз берган кучли зилзила натижасида шаҳардаги 90 фоиз турар-жой ва бинолар вайрон бўлган. Қурбонлар сони эса, 2000 кишини ташкил этиб, улар кўчишга улгурмаган одамлар эди, холос.

Олимларнинг айтишича, агар одамлар зудлик билан беҳавотир жойга кўчирилмаганида қурбонлар сони 150 мингга етарди.

Таъкидлаш жоизки, ҳаётий тажриба ва хабарлардан маълум бўлишича, жониворлар ҳақиқатдан ҳам, офат яқинлашиб келаётганини олдиндан сезиш қобилиятига эга экан. Хусусан, Челининг Талкуана шаҳрида 1835 йилда рўй берган кучли зилзила арафасида шаҳардаги барча итлар шаҳарни ташлаб чиқиб кетган. Марокашда 1980 йилда юз берган зилзиладан 12 соат аввал ит ва мушуклар уйлари тарқ этишган. Ҳатто кўп нарсага беғамлик билан муносабатда бўлувчи туялар ҳам зилзила марказини тарқ этишга шошларган.

АҚШнинг Калифорния штатидаги Палмдейл тоғи одамларнинг кўз ўнгига кучли зилзила натижасида пайдо бўлган. Ҳозир тоғ ён бағридаги лабораториялардан бирида қишлоқ солинган каламуш ва сичқонлар сақланади. Жониворларнинг хатти-ҳаракатларини ўта сезгир электрон асбоблар кузатиб туради. Жониворлар безовталана бошлаши билан хабар сейсмолог олимларга етказилади.

Германиялик биохимик олим Хельмут Трибушнинг айтишича, зилзилалар арафасида ер қаридан атмосферага ионлар, яъни зарядланган зарралар кўтарила бошлади. Натижада ҳавода статик электр токи мик-

дори кўпаяди. Бундай ҳолни инсон организми ҳам сезади — одамда боши оғриши, кўнгил айниши кузатилади. Ҳайвонлар учун эса, ҳаводаги ион микдорининг кўпайиши фалокат яқинлашаётганининг аломатидир. Шу боис улар дарров хавфсиз жойни қидиришга тушади.

Олимларнинг айтишича, ҳайвонларнинг 600 дан ортиқ тури об-ҳаво ўзгариши ва табиий офатларни олдиндан сезиш қобилиятига эга. Масалан, акулалар ҳаво босимидаги энг кичик ўзгаришларни ҳам ҳис қила олади. Жумладан, 2001 йил АҚШнинг Флорида штатида рўй берган тўфон пайтида денгиздаги акулаларнинг аксарияти денгиз тубига кўчган.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳаво босимидаги энг кичик ўзгариш ҳам сув босимида акс этиб, акулаларнинг ҳолатига таъсир ўтказиши мумкин. Чунки денгиз жониворининг ички қулоғи ҳам худди одамникига ўхшаб ҳаво босимининг ўзгаришига ўта сезгирдир. Самолётнинг кўтарилиши ва пастлаш жараёнида кучли босим таъсирида қулоғимиз битиб, баъзида эшитмай қоламиз. Худди шундай акуланинг қулоғи ҳам сув босимининг ўзгариши натижа-сида битиб, уларни олдиндан огоҳлантириш тизими ишга тушади.

Маълумки, тимсоҳлар ҳам ўта сезгир сейсмограф ҳайвонлардан бири ҳисобланади. Япониялик зоологларнинг айтишича, зилзиладан аввал тимсоҳлар безовталаниб, боши ва думини тенага кўтарганча турли хил овозлар чиқара бошлайди. Ҳатто тимсоҳлар 150 километр радиусдаги табиий офатларни ҳам сезиш қобилиятига эга экан.

1976 йил Италиянинг Фриули вилоятидаги зилзила арафасида мушуклар ўз болаларини уйларидан ташқарига олиб чиқа бошлаган. Занжирланган итлар эса, жойида айланиб, уввос солишган.

Индонезиянинг Суматра оролидаги Белалоу қишлоғи аҳолисининг ҳикоя қилишича, орол тарихидаги энг кучли зилзилалардан бири маҳаллий аҳолини ҳамон ҳайратга солади. Гап шундаки, ҳар гал филлар босқинидан сўнг дархатлар ағдарилиб, экинлар вайрон бўлган. Навбатдаги босқин пайтида жониворлар ҳеч нарсага тегмайдими. Филлар қишлоқ марказидаги майдонга келиб, бир чизикка тизилиб, шу аснода ўн беш дақиқача турган. Кейин эса, хартуми билан бир-бирининг думини ушлаганча ўрмонзорга кириб кетган. Демак, филлар ўзининг ноодатий хатти-ҳаракатлари билан одамларни офатдан огоҳлантирмоқчи бўлган. Афсуски, жониворларнинг бу мурдасини одамзод тушуниб етмаган. Орадан бир кун ўтиб Белалоуда кучли зилзила рўй берган.

(Давоми бор.)
Интернет материаллари асосида ХУДОЙБЕРГАНОВА тэйёрлади

Нуқуқий ма'рифат

Битимнинг ҳуқуқий асослари

уларга риоя этмаслик битимнинг бекор бўлишига олиб келади



тилган талабларга риоя қилмаслик битим тузилган пайтда ҳақиқий саналса ҳам, кейинчалик бундай битимлар тўғрисида низо кўзгатилиши мумкин. Бундай битимлар тузилганидан сўнг тарафларга нисбатан муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар даъво кўзгатилиши ҳолда у ҳақиқий эмас, деб топилши мумкин.

Ахлоқ асосларига қарши, яъни қалбаки ва кўзбўямачилик учун тузилган битимлар ҳам ҳақиқий саналмаслиги мумкин. Қалбаки би-

Вояга етмаган ўсмирлар қисман муомала лаёқатига эга бўлса-да, битимларни ота-она ёки ҳомийларнинг розилиги билан тузадилар. Агар бу битим ота-она ёки ҳомийлар иштирокисиз тузилган бўлса, ота-она ёхуд ҳомийларнинг даъвосига биноан суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилши мумкин. Демак, бундай битимлар, умуман, ҳақиқий саналса-да, улар тўғрисида низо кўзгатилиши ва битим тузувчиларнинг қонуний вакиллари томонидан кўзгатиш даъволарга биноан суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилши мумкин.

Бундан ташқари муомала лаёқатли тараф агар иккинчи тарафнинг муомала лаёқатсиз эканлигини билган бўлса, унинг битим туфайли қилган ҳаражатларини, мулкнинг йўқолиши ёки зарарланишидан келган зиёнларини шу вояга етмаган шахсга тўлашга мажбур.

Муомалага лаёқатли, аммо битим тузиш пайтида ўз хатти-ҳаракатини идрок этиш қобилиятига эга бўлмаган шахс томонидан тузилган битим суд томонидан бекор қилинади, та-

Маълумки, бюджет даромади турли солиқларни йиғиш орқали шакллантирилади. Шу боис солиқларни ўз вақтида тўлаш ҳар бир фуқаро ва юридик шахсларнинг бурчи ҳисобланади. Бунга риоя этмаслик солиқ қонунчилигини бузиш, деб аталади ва бу жавобгарликни келтириб чиқаради.

Qilmish-qidirmish

Масъулият ва мажбурият

уни ўз вақтида адо этиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир

Айтиш керакки, Солиқ кодексининг 112-моддасида солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатлари билан бузганлик учун солиқ тўловчиларга нисбатан қўлланиладиган молиявий санкциялар ва уларни қўллаш тартиби белгиланган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг "Савдо, тадбиркорлик ва молия соҳаларидаги ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик" деб номланган XIII бобида солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан бўйин товлаш, солиқ солинадиган объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёки касса операцияларни юритиш тартибини, шунингдек, тўлов интизомини бузиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш тартибини бузиш, бюджет интизомини бузиш, солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамларини қўлланиш тартибини бузиш кабилар учун жавобгарликлар белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари Жиноят кодексининг 84-моддаси солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш деб номланади, унинг биринчи қисмида фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, қамайтириб кўрсатиш, шунингдек, давлат томонидан белгиланган солиқларни, йиғимларни, бож ёки бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратадиган бўлсак, Қамаш туманидаги 98-очик турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси вази-
ф

сида фаолият юритиб келган Рустам Маматов жамиятнинг бош ҳисобчиси Толиб Мансуров билан ўзаро жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш мақсадига қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисоби юритишни, молиявий ва солиқ ҳисоботини тузишни таъминлашдан, солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажармайдими. Натижада улар давлат бюджетига жуда кўп микдорда моддий зарар етказилишига сабабчи бўлишган.

Р.Маматов ва Т.Мансуров Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилди, қонун доирасида тегишли жа-зога тортилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, юқорида баён этилган воқеа ҳақида мулоҳаза юритган ҳар бир киши қонуний фаолият юритиш, зиммадаги бурч ва мажбуриятларни ўз вақтида адо этиш муваффақиятлари горови бўлиши билан бирга юзни ёруғ қилишига яна бир қарра ишонч ҳосил қилади. Аксинча, ҳаётда зиммадаги бурч ва мажбуриятга масъулиятсизлик билан қараш, қонун талабига чап бериб, фойда кўришга уриниш ҳеч қачон изсиз кетмайди.

Буни сира ёддан чиқармаслик керак.
М.НУРМАТОВ,
жиноят ишлари бўйича
Қамаш тумани судининг раиси

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Айтинг-чи, шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги учун жавобгарлик масалалари қандай қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади?

Т.БЕКНАЗАРОВ,
Бухоро вилояти

— Шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги учун жавобгарлик масалалари Фуқаролик ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслари, "Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонун, Вазирилар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сонли қарори билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўрта-сида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида"ги Низом ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

— Илтимос, неустойка тушунчасига таъриф берсангиз?
Б.АЗИМОВ,
Фарғона вилояти

— Фуқаролик кодексининг 260-моддасига кўра, қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси неустойка ҳисобланади. Неустойка тўлаш ҳақидаги талаб бўйича кредитор ўзига етказилган зарарни исботлашга мажбур эмас. Неустойка билан фақат ҳақиқий талаб таъминланади. Агар қарздор мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлмаса, кредитор неустойка тўлашни талаб қилишга ҳақли эмас.

Неустойка жарима ёки пеня шаклида бўлади. Қарздор мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда тўлайдиган ва, қоида тариқасида, қатъий пул суммасида ҳисобланадиган неустойка жарима ҳисобланади.

Қарздор мажбуриятларнинг бажарилишини кечиктириб юборганида тўлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир кунини учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз билан ҳисобланадиган неустойка пеня ҳисобланади.

Саволларга Адлия вазири Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бошқармаси қатта маслаҳатчи И.АБДУСАТТОВОВ жавоб берди.

Куч—АДОЛАТДА
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ХАМРОЕВ
Газета 2007 йил
23 февралда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам
билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ
Шерали РАҲМОНОВ
Боқижон ЯҲЁЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Омонбой ОҚЎЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Аристон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор
ХАМРОЕВ
Саҳифаловчи:
Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ
Газета «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилнинг: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56
Буортма: Г-416. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нарҳда. Адади: 7119.
1 2 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 21⁰⁰